

---

## “Дунё бўйлаб” телеканали ходимлари - Риштон туманида

“Дунё бўйлаб” телеканали ходимлари - Риштон туманида

Куни кеча “Ўзбекистон” телерадиокомпаниясининг “Дунё бўйлаб” телеканали ижодкорлари Фарғона вилоятида ижодий сафарда бўлиб, вилоятнинг бир қатор эко ва агротуристтик объектларида тасвирга олиш ишларини амалга оширишди. Хусусан, телеканал ижодкорлари Риштон туманидаги “Straus house” туяқуш фермер хўжалиги ва Марказий Фарғона ҳудудида жойлашган «Рошидон наслдор туялари» фермер хўжалигида бўлиб махсус кўрсатувлар тайёрлашди. Айтиш жоизки, туманимиздаги туристик мажмуалар журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Эслатиб ўтамиз, бир неча кун олдин Россия федерациясининг “НТВ” телеканали “Поедим, поедим!” маданий-этнографик теледастури ижодкорлари Риштон туманида қисқа метражли фильмларни суратга олган эдилар.

2022-04-16 15:14:27